

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ОБЕЙД МУСТАФА АБДУЛ РАХМАН**

**КАТТА ЁШ ТОИФАСИДАГИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМИ  
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ИШЛАБ ТУРГАН ЮРАКДА АОРТА-  
КОРОНАР ШУНТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD)**

**Обейд Мустафа Абдул Рахман**

Катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган  
беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини  
имкониятлари..... 3

**Обейд Мустафа Абдул Рахман**

Возможности аорта-коронарного шунтирования на работающем  
сердца у больных с острым коронарным синдромом в старшей  
возрастной  
категории..... 31

**Obeid Mustafa Abdul Rahman**

Possibilities of aorta coronary artery bypass grafting on  
the working heart in patients with acute coronary syndrome  
in the older age category..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works  
..... 63

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ОБЕЙД МУСТАФА АБДУЛ РАХМАН**

**КАТТА ЁШ ТОИФАСИДАГИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМИ  
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ИШЛАБ ТУРГАН ЮРАКДА АОРТА-  
КОРОНАР ШУНТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1603 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилиноч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хаджибаев Абдуҳаким Муминович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Тураев Феруз Фатхуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Н.М. Амосов номидаги юрак-қон томир хирургияси миллий институти, Украина**

Диссертация ҳимояси Республика шошилиноч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилиноч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**Х.Э. Анваров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Б.К. Алтиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қарилик ўз-ўзидан операцияга қарши кўрсатма эмас, аммо миокард реваскуляризацияси имкониятини кўриб чиқишда оғирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Кўплаб тадқиқот маълумотларига кўра, каротид артериясининг (КА) кўп томирли шикастланиши 60 ёшдан катта 78–89% беморда, миокард инфаркт ўтказган 50–76% беморда, чап қоринча миокардининг қисқартирувчи қобилияти пасайган 17–22% беморда учрайди<sup>1</sup>. Аорто-коронар шунтлаш (АКШ) стенокардиясини даволаш ва ҳаётийликнинг ошириши учун «олтин стандарт» ҳисобланади, бунда асорат ва ўлим АКШ сифатининг анъанавий мезонлар билан баҳоланади. Кекса беморлар одатда инсульт, буйрак дисфункцияси, ўпканинг сурункали касалликлари ва авж олувчи артериосклероз сингари кўплаб йўлдош касалликларга эга бўлади. Одатда сунъий қон айланиш билан АКШ аорта конюляциясини талаб қилади, бу эса дистал эмболия ёки амалиётдан олдинги инсультга олиб келиши мумкин. Ишлаб турган юракда АКШ сунъий қон айланиш (СҚА) шароитида АКШ гуруҳи билан таққослаб касалхонада ва интенсив терапия бўлимида (ИТБ) бўлиш давомийлиги, амалиётдан кейинги вентиляциянинг шунга ўхшаш вақти билан кузатилади. Катта ёшдаги юрак ишемик касаллиги (ЮИК) кузатилган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш объектив ва долзарб муаммо деб ҳисобланади. Мазкур беморларда жарроҳлик тактикасининг устувор ва истиқболли вариантларидан бири имконияти бўлган барча вазиятларда СҚАдан бош тортиш ва жарроҳлик травмасини камайтириш билан боғлиқ аралашув инвазивлигини камайтириши ҳисобланади. Илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги, муаммонинг ўзи ва уни ҳал қилиш йўлида ягона фикрларнинг йўқлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини ва даволаш муаммоларини ҳал этишнинг ягона ечими мавжуд эмаслигини тақозо қилади.

Жаҳонда катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш амалиётини имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кекса ёшдаги беморларда юрак ишемик касаллигини кечиш хусусиятлари, беморларда ишлаб турган юракни коронар шунтлаш хусусиятлари қиёсий баҳолаш, ишлаб турган юракни аорто-коронар шунтлашда операциядан кейинги асоратлар хавф омилларини, ўлимга олиб келувчи асоратлар ва ўлим даражасини ҳамда катта ёшдаги ОКС кузатилган беморларда уриб ишлаб турган юракни кўп томирли коронар шунтлашнинг жарроҳлик тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини

---

<sup>1</sup>Павличенко С. Н., Леонова М. В., Упницкий А. А. Особенности фармакотерапии у пожилых пациентов с мультиморбидностью: критерии Бирса //Лечебное дело. – 2017. – №. 2. – С. 18-26

олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар кўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини кенг қўллаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фойдали тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ нинг охириги таснифи бўйича, 60 ёшдан 74 ёшгача бўлган кишилар кексалар ҳисобланади (ЖССТ, 2014). Кекса ёшларда қон томир касалликлари кузатилган беморларни текшириш ва даволаш ҳам ёшларни даволаш стандартлари ва тамойиллари бўйича олиб борилади. Бироқ кекса ёшдаги беморларда жарроҳлик аралашувларини режалаштиришда организмнинг умумий куч –қувватдан қолиши оқибатида уларда ташриҳдан кейинги асоратлар ривожланиш эҳтимолининг юқорилиги, кўп миқдорда йўлдош патологиялар кузатилиши, атеросклеротик ўзгаришларнинг тарқалганлиги, кўпинча бир нечта қон томир ҳавзаларининг ўз ичига олиши, шунингдек коронар артериянинг диффуз шикастланишида миокарднинг функционал захираларининг камайиши ва юракнинг инфарктдан кейинги ремоделланишини ҳисобга олиш зарур. Ю.Л.Шевченко маълумотига кўра, ёш амалиётга қарши кўрсатма ҳисобланмаслиги керак, у ташриҳдан кейинги эрта асоратлар ривожланишининг асосий хавф омилларидан бири сифатида қаралиши керак,

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

шу билан бирга кекса ёшдаги ЮИК кузатилган беморларда АКШ ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида муаммони кўриб чиқишда индивидуал ёндашиш зарур.

Ўзбекистонда юрак тизими касалликлари хирургиясининг амалиётида беморларда жарроҳлик амалиётини (Хаджибаев А.М., Махамадаминов А.Г., Набиев А.А. ва б. 2020) олиб боришган, бироқ, катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини имкониятлари тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Кардиожарроҳлик гуруҳи ёндашувидан фойдаланиб бемор тавсифи, хавф омиллари, афзалликлари ва даволаш мақсадларини синчковлик билан кўриб чиқиш асосан катта ёшдагилар гуруҳида юрак ишемик касаллиги кузатилган ҳар бир бемор учун даволашнинг мақбул стратегиясини танлашда муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, катта ёшда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) кузатилган беморларни объектив жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш шошилишч хирургиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928502 «Юракнинг ишемик касалликларнинг каратоид артерияларининг зарарланиши билан биргаликда кечишини хирургик даволаш усулларни такомиллаштириш» мавзусидаги (2014-2018 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** катта ёш тоифасида ўткир коронар синдром кузатилган беморларда аорто-коронар шунтлаш натижаларини жарроҳлик ревааскуляризация тактикасини оптималлаштириш йўли билан яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кекса ёшдаги беморларда юрак ишемик касаллигини кечиш хусусиятларини баҳолаш;

турли ёш тоифаларидаги беморларда ишлаб турган юракни коронар шунтлаш хусусиятлари ва имкониятларини қиёсий томондан баҳолаш;

ўрта ва катта ёшдаги ўткир коронар синдроми кузатилган беморларда уриб ишлаб турган юракни аорто-коронар шунтлашда операциядан кейинги асоратлар хавф омиллари ва даражасини баҳолаш;

ўлимга олиб келувчи асоратлар ва ўлим даражасини баҳолаш ва улар ривожланишига сабаб бўлувчи омилларни баҳолаш;

катта ёшдаги ўткир коронар синдром кузатилган беморларда уриб ишлаб турган юракни кўп томирли коронар шунтлашнинг жарроҳлик тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази шошилишч тиббий ёрдам сўраб келган, ИК сиз (off-pump) ишлаб турган юраги операция қилинган қилинган ЎКС кузатилган 329 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ИК (off-pump) сиз ишлаб турган

юраги ташриҳ қилинган, кекса ва ўрта ёшдаги ўткир коронар синдром кузатилган беморларни даволаш натижаларининг ретроспектив таҳлили, ташриҳдан кейинги асоратлар ривожланиш хавф омиллари стратификацияси ва ўлим натижаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, инструментал, эхокардиография, брахиоцефал артериялар ва пастки қисмлар артерияларини рангли дуплекс сканерлаш, юрак томирлари, бош мия томирлар пастки қисмлар ангиографияси, тиббий-биологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта катта ёшдаги ўткир коронар синдроми кузатилган беморларда ишлаб турган юракни кўп томирли коронар шунтлашнинг мақбул жарроҳлик тактикаси ишлаб чиқилган;

катта ёшдаги беморларда ишлаб турган юракни кўп томирли коронар шунтлашда ташриҳ даврида ва эрта ташриҳдан кейинги асоратлар хавф предикторлар мультиомилли таҳлили асосида асоратлар ривожланиш хавфи ҳисоби билан коронар артерияни кетма-кетликда шунтлаш тактикаси тавсия қилинган;

аритмия миқдори ва неврологик асоратларни камайтириш, касалхона ва жонлантириш бўлимларида беморларнинг бўлиш муддатларини қисқартириш, трансфузион терапияга эҳтиёжларини камайтириш ҳисоби билан катта ёшдаги ўткир коронар синдроми кузатилган беморларни жарроҳлик билан даволаш натижаларини яхшилаш натижаси коронар артерияни шунтлаш имконияти очиқ берилган;

4. кекса ёшдаги беморларда юрак ишемик касаллигини жарроҳлик усули билан даволашда тактикасида сунъий қон айланишга паралел ўтишдаги турғун бўлмаган гемодинамикада ишлаётган юракдаги симптомларга боғлиқ бўлган ва окклюзирланган артерияларни биринчи навбатда шунтлаш зарарлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардир:

катта ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагини аорто-коронар шунтлашга кўрсатмани кенгайтириш йўли билан шошилишч коронар шунтлашда ташриҳ давридаги асоратлар даражасини камайтирувчи қатор муаммоларни ҳал қилиш йўллари берилган;

катта ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагини аорто-коронар шунтлаш коморбидлик ва асоратларнинг юқори хавфига қарамай, асоратларнинг паст даражаси билан барча шикастланган коронар хавзаларнинг ўзига хос реваскуляризациясини бажаришни кўрсатади ҳамда ташриҳ даврининг ижобий кечиши билан тавсифланган;

ишлаб турган юракка жарроҳлик аралашув тактикасини танлашнинг тавсия қилинган алгоритми катта ёшдаги беморлар учун хос бўлган хавф омиллари ва мавжуд патологияда бундай беморларга реваскуляризация ўтказишга имкон берган;

мазкур иш жараёнида барча ишлаб чиқилган усуллар осон ўзлаштирилиши ва юрак ишемик касалликларининг оғир ҳамда асоратланган



шакллари кузатилган беморларни даволашда фаол бўлган турли кардиожарроҳлик касалхоналарда қўлланишга тавсия қилиниши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, тиббий-биологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини имкониятларидан фойдаланишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти АКШ ўтказилган катта ёшдаги ўткир коронар синдром кузатилган беморларда операция даври кечишининг клиник-функционал хусусиятлари ҳақидаги билимни кенгайтириш, асосий назарий натижалар, ишлаб чиқилган янги альтернатив усуллар, ишлаб турган юракка жарроҳлик аралашувлар тактикасини танлашнинг тавсия қилинган алгоритми кейинчалик ЮИК кечиш хусусиятини баҳолаш ва катта ёшдаги беморларда жарроҳлик аралашув ҳамда касаллик асоратларининг хавф омиллари, шунингдек, кардиоваскуляр касалликларни даволаш, ташхислашга янги усул ва ёндашувлар ишлаб чиқишни такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти катта ёшдаги беморларда ўткир коронар синдромни ташхислаш ва жарроҳлик билан даволашда қўлланиши, кекса ёшдаги беморлар контингентини сезиларли кенгайтириш, бу юқори технологик жарроҳлик аралашуви – АКШни ўтказишга имкон бериш, юрак ишемик касалликлар негизидаги асоратлардан ногиронлик ва ўлимни камайтириш, шунингдек ташриҳдан кейинги асоратлар частотасини, ушбу оғир тоифадаги беморларга кардиожарроҳлик ёрдам кўрсатишдаги сарф-ҳаражатларни сезиларли қисқартириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини имкониятларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Катта ёшдаги беморларда ишлаб турган юракда коронар шунтлаш амалиётининг хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-р/277-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини қўллаш орқали, касалликни даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини имкониятларини

такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм ва Наманган вилоятлари филиаллари шошилинич хирургия бўлимлари амалий фаолиятга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 декабрдаги 8н-з/72-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини қўлаш орқали даволаш сифатини яхшилаш, шунингдек, жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратларни камайтириш, юракка жарроҳлик ревазуляризацияси операциядан кейинги даврида ўлимга олиб келувчи асоратларнинг камайиши, беморларини жарроҳлик усулида даволаш жарроҳлик аралашув инвазивлигининг камайтириш ва беморларни касалхонада бўлиш давомийлигини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Катта ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагини аорто-коронар шунтлаш орқали даволашнинг замонавий аспектлари**» деб номланган биринчи бобида катта ёшдаги беморларда ўткир коронар синдром ва ЮИКнинг кечиш хусусиятлари берилган, бундай гуруҳ беморлар ўКСида миокарднинг инвазив ревазуляризациясига замонавий ёндашувлари ёритилган, катта ва кекса ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагига АКШ ни қўллашга турли кардиожарроҳлик мактабларининг қарашлари шарҳланган хорижий ва маҳаллий адабиёт манбаларининг

мушоҳадалари келтирилган, келгусида тадқиқ қилишни талаб этадиган баҳсли масалалар келтириб ўтилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Катта ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагини аорто-коронар шунтлаш жарроҳлик амалиётини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида мазкур тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳининг тавсифи берилган. 2015-2018 йилларда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) кардиожарроҳлик бўлимида сунъий қон айланишсиз (off-pump) ишлаб турган юракда АКШ ўтказилган ва кўр кўрона танлаб олинган 329 нафар беморнинг жарроҳлик даволаниш натижаларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Беморлар иккита ёш гуруҳларига бўлинди: асосий гуруҳга 65 ва ундан катта ёшдаги 142 нафар пациентлардан (уларнинг ўртача ёши –  $69,4 \pm 3,7$  ёш) ва назорат гуруҳига 65 ёшгача бўлган 187 нафар бемор (уларнинг ўртача ёши  $56,7 \pm 6,6$  ёш) бириктирилди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Беморларнинг дастлабки таснифи, абс. (%)**

<b>Параметрлар</b>	<b>≥65 ёш, n=142</b>	<b>&lt;65 ёш, n=187</b>
Ёши (йил), M±σ	69,4±3,7	56,7±6,6
Эркаклар	100 (70,4)	164 (86,3)
Аёллар	42 (29,6)	23 (12,1)
Ностабил (турғун бўлаган) стенокардия	131 (92,3)	180 (96,2)
ЎМИ	11 (7,7)	7 (3,7)
ИККС	97 (68,3)	142 (75,9)
Мультифокал атеросклероз	69 (48,6)	41 (21,9)
АГ	63 (44,4)	45 (24,1)
ҚД	41 (28,9)	38 (20,3)
ЎСОК	3 (2,1)	1 (0,5)
ЧФ 45% кам	23 (16,2)	42 (22,1)

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 65 ёшгача бўлган беморлар орасида эркаклар нисбий кўпчиликни ташкил қилган, 65 ёшдан катта беморлар орасида ҳам эркаклар устунлик қилган, бироқ уларнинг сони ишончли кам кузатилган (70,4%) – ( $p < 0,05$ ). Адабиёт маълумотларига кўра, коронар шунтлашга йўналтирилган ЮИК кузатилган беморлар ёшининг ортиб бориши бутун дунё тенденцияси ҳисобланиб, сўнгги йиллар мобайнида популяциянинг қариши ҳамда кардиожарроҳлик аралашувларнинг анестезиологик ва реаниматологик таъминлашнинг такомиллашиши билан боғлиқ, бунда жинс белгилари бўйича тенглашиш частотаси характерли хусусияти ҳисобланади.

Ҳар иккала гуруҳда ностабил стенокардия кузатилган беморлар – 131 нафар (92,3%) ва 180 (96,2%) нафарни ташкил қилиб, улар устунлик қилди, бироқ 65 ёшдан катта ўткир миокард инфаркт билан касалланган беморлар ишончли даражада кўпчилиқни ташкил қилди ( назорат гуруҳида 11 (7,7%) 7 (3,7%) га қарши ). Ҳар иккала гуруҳ беморларида ЮИК кечиши узок давом этди, улар асосий гуруҳда 97 (68,3%) ва назорат гуруҳида 142 (75,9%) ни ташкил қилиб, анамнезида ўМИни ўтказганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга АКШ ўтказилаётган вақтга дастлабки эхокардиографик кўрсаткичлар қиёсий гуруҳларда бир хил бўлган (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Беморларнинг бирламчи электрокардиографик кўрсаткичлари, М±σ

Параметрлар	≥65 ёш, n=142	<65 ёш, n=187	p
ЧФ	51,9±8,03	51,2±7,3	>0,05
ОДХ	147,2±51,2	146,9±41,2	>0,05
ОСХ	73,5±43,04	72,6±31,3	>0,05
ИХ	74,1±15,8	72,9±16,3	0,11

Бошқа томир ҳавзаларининг шикастланиши ультратовушли дуплекс ангиосканерлаш ёрдамида ва/ёки ангиография йўли билан аниқланади. Брахиоцефал артериялар атеросклерози асосий гуруҳда 69 (48,6%) беморда ва назорат гуруҳидаги 41 (21,9%) беморда кузатилди ( $p<0,05$ ) (1-жадвалга қаранг). Каротид эндалтерэктомия (КЭАЭ) талаб қилувчи ички уйқу артериясининг гемодинамик аҳамиятли стенозини аниқлаш частотаси 65 ва ундан катта ёшдаги беморларда 15 (10,6%) ҳолатда назорат гуруҳидаги 3 (1,6%) ҳолатга нисбатан ишончли юқори бўлди ( $p<0,05$ ). Анча ёш бўлган гуруҳда коронар артериянинг окклюзион шикастланиши кузатилди, унда катта ёшдаги беморлар гуруҳи учун стеноз, кўп томирли шикастланиш ва ЧКА стволи стенози, катта ёшдаги беморларда коронарографик кўриниш коллатерал шохчаларнинг ифодаланиши билан тафовутланди (1-расм).




а



б

1-расм. Коронарография натижалари: а) 47 ёшли бемор; б) 73 ёшли бемор натижалари

Катта ёшдаги беморлар учун коронар артериянинг кўп томирли шикастланиши хос бўлиб, дастлабки маълумотлар таҳлилида учта коронар артериядан камроқ гемодинамик аҳамитятли стеноз 65 ёшгача бўлган беморларнинг 12,3% да ва катта ёшдаги беморларнинг 5,6% да аниқланди. Унда 3 томирдан кўпроқ ангиографик кўп томирли шикастланиш асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда тасдиқланди 94,4% ва 87,7% ( 2-расм).



**2-расм. Коронар артериянинг зарарланиши бўйича беморларнинг тақсимланиш натижалари**

**«Турли ёш гуруҳлари беморларининг ишлаб турган юрагини аорто-коронар шунтлаш натижалари»** деб номланган учинчи бобда текширилаётган ёш гуруҳларда ишлаб турган юракни АКШ қилишнинг техник хусусиятлари берилган, аралашувларнинг бевосита натижаларига қиёсий таҳлил келтирилган, жумладан кардио-церебрал асоратлар ва ўлимнинг тузилиши ҳамда частотаси, шунингдек ўлимга олиб келмайдиган асоратлар ва умумий асоратлар баҳоланди. Ҳар иккала гуруҳдаги барча беморларнинг ишлаб турган юрагида изоляцияланган АКШ қилинди.

EuroSCORE (additive) нинг ўртача кўрсаткичи асосий гуруҳда 6 (1-9) ва назорат гуруҳида 5 (1-7) ни ташкил қилди. Асосий гуруҳда EuroSCORE мезонларига мос тарзда юрак етишмаслиги, қандли диабет ва сурункали буйрак етишмовчилиги кузатилган беморлар сезиларли даражада кўп бўлди (3-жадвал). Нью-Йорк Юрак Ассоциацияси (NYHA) таснифи бўйича юрак етишмовчилигининг IV функционал синфи асосий ва назорат гуруҳларида 32 ва 15% беморда мос ҳолда ташхисланди. Ташриҳнинг ўртача кутиш вақти (касалхонага ётқазилгандан то жарроҳлик аралашувларгача) катта ва ўрта ёшдаги беморлар гуруҳида  $5,6 \pm 1,4$  кун ва  $5,4 \pm 1,2$  кунни ташкил қилди.

Мазкур гуруҳ беморлари тавсифига қатор ташриҳ даври параметрлари ҳам қўшилди. Ишлаб турган юракда АКШ нинг ўртача давомийлиги таққосланаётган ёш гуруҳларида аҳамиятли фарқ қилмади, асосий ва назорат гуруҳларида мос ҳолда  $212,3 \pm 56,5$  ва  $220,2 \pm 49,9$  дақиқани ташкил қилди.


Ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда шунтлашнинг ўртача миқдори миокарднинг жарроҳлик реваскуляризацияси 3,5 бирликни (асосий гуруҳда 3,5±0,7 ва назорат гуруҳида 3,5±0,9) ташкил қилди (3-расмга қаранг).

**3-жадвал**

**Амалиётдан олди ва кейин кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>≥65 ёш, n=142</b>	<b>&lt;65 ёш, n=187</b>
EuroSCORE additive	6 (1-9)	5 (1-7)
СЮЕ IV ФС (NYHA), абс. (%)	45 (31,7)	28 (15,0)
Операцияни кутиш вақти, М±σ	5,6±1,4 кун	5,4±1,2 кун
Операция давомийлиги, М±σ	212,3±56,5 дақ	220,2± 49,9 дақ
Шунтланган артериялар сони, М±σ	3,5±0,7	3,5±0,9
1 шунт, абс. (%)	0	3 (1,6)
2 шунт, абс. (%)	8 (5,6)	20 (10,7)
3 шунт, абс. (%)	62 (43,7)	67 (35,8)
4 шунт, абс. (%)	62 (43,7)	75 (40,1)
5 шунтлаш, абс. (%)	10 (7,0)	22 (11,8)
КИЧА – ОҚАА, абс. (%)	61 (43,0)	154 (84,5)

Аниқланишича, ёш ўтган сари коронар шунтлаш учун ички кўкрак артериясидан фойдаланиш имконияти камайиб боради. Демак, агар кичик ёшдаги беморлар гуруҳида ички кўкрак артериясидан 154 (84,%) ҳолатда фойдаланган бўлса, катта ёшдаги беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 61 (43,0) ҳолатни ташкил қилади.



**3-расм. С. бемор, 68 ёш. Ишлаб турган юракда АКШнинг 5 шунтини шаклантириш: а) 2 шунт ОКА магистрал йўлида, б) 3 шунта ЧКА магистрал йўлида**

Амалиётдан кейинги эрта даврда кузатилган асоратларининг умумий миқдори асосий ва назорат гуруҳларида мос ҳолда 49 (34,5%) ва 45 (24,1%) дан иборат бўлди. Улардан АКШ натижаларига таъсир қилувчи ташриҳдан

кейинги оғир асоратлар (МАССЕ деб аталувчи– Major Cardio-Cerebral Events асорат) ҳар иккала гуруҳда мос тарзда 6 (4,2%) ва 5 (2,7%) кўрсаткичга эга бўлди (4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

#### Назорат гуруҳидаги асорталарнинг таркиби, n (%)

Асоратлар	≥65 ёш, n=142	<65 ёш, n=187
Жами асорталар	49 (34,5)	45 (24,1)
кардио-церебрал асорталар	6 (4,2)	5 (2,7)

\*битта беморда бир неча асоратлар бўлиши мумкин; \*\*p<0,05

Ўлимга олиб келувчи асоратлар (миокард инфаркти, кичик юрак талпиниш синдроми, ритм ва ўтказувчанликнинг чуқур бузилиши, ўпка артерияси тромбоемболияси ва гемодинамик кўрсаткичлар бўйича сунъий қон айланиши конверсияси) улуши ўлим кўрсаткичлари сингари гуруҳлар ўртасида статистик фарқ қилмайди, бироқ катта ёшдаги гуруҳ беморларида тромбоемболик ва неврологик асоратлар ривожланишига мойиллик аниқланди (5-жадвал). Ўлим натижаларининг барча ҳолатларида асосий сабаб ўМИ бўлди, улар юқорида санаб ўтилган ўлимга олиб келувчи асоратлар фонида кузатилди (5-жадвалга қаранг).

#### 5-жадвал

#### Кардиоцеребрал асоратлар ва ўлим кўрсаткичнинг ишончли даражаси, абс. (%)

Асоратлар	≥65 ёш, n=142	<65 ёш, n=187
Миокард инфаркти	6 (7,7)	5 (3,7)
Ритм бузилиши	3 (2,1)	2 (1,1)
Ўпка артериясининг тромбоемболияси	1 (0,7)	0
МҚАЎБ	1 (0,7)	1 (0,5)
СҚА конверсияси	1 (0,7)	3 (1,6)
ўлим	2 (1,4)	3 (1,6)

Гемодинамик кўрсатмалар бўйича сунъий қон айланиш конверсияси 65 ёшдан катталар гуруҳида 1 (0,7%) ҳолатда, 65 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида 3 (1,6%) ҳолатда кузатилди. Бундай мослашиш эҳтимол анча ёш беморларда камроқ ифодаланган коллатерал қон оқими билан боғлиқ бўлиши мумкин, гемодинамик аҳамиятли томирлардаги манипуляция қон айланиш декомпенсациясининг ривожланишига олиб келади. СҚАга шошилиш конверсия хавф омилларига ОРСАВ кузатилган беморларнинг иккита катта гуруҳида конвертация қилинмаган беморлар билан таққослаш натижаларига боғлиқ (Сухарев А.Е., Кравчук В.Н., Волков А.М., 2018; Журба О.А., Руденко А.В., 2018). Ўткир конверсиянинг кузатилаётган хавфи

катор муаллифлар маълумотлари бўйича 1,7% (28/1644) ва 3,0% (50/1678) ни ташкил қилди. Хабар берилишича, касалхонада ОРСАВ конверсияси билан беморларда ОРСАВ билан конвертацияланмаган беморлар ҳамда ишлаб турган юракда АКШ қилинган беморларга нисбатан ўлим 12 ва 18 марта юқори ( нисбий хавф 18% ва 12% мос тарзда). Муаллифлар томонидан берилган маълумотларга кўра, СҚА конверсияси олиб борилаётган вақтда инсультнинг олти марта юқори хавфи ва бошқа жиддий ташрихдан кейинги асоратлар аниқланди.

Шундай қилиб, нисбатан ёш беморларда коллатерал қон оқимининг кучсиз ривожланиши, ташрих бошида кардиотоникага уланишни талаб қилувчи ностабил гемодинамика, ритмнинг қийин бузилиши оғир гемодинамик бузилишлар ривожланишига ҳамда сунъий қон айланишга уланишга сабаб бўлиши мумкин. Катта ёшдаги беморларда СҚА ўткир конверсиясига эҳтиёжнинг паст частотада эканлигини аниқлаб, бу ёш гуруҳида ишлаб турган юракда АКШ га кўрсатмани кенгайтириш имконида яна битта аргумент хизмат қилади.

Ташрихдан кейинги даврга таъсир қилмайдиган турли асоратлар 65 ёшдан катта ва 65 ёшгача бўлганлар гуруҳида 43(30,3%) ва 40 (21,4%) кўринишда кузатилди (6-жадвалга қаранг). Ҳар иккала гуруҳда кузатилувчи етакчи асорат асосий ва назорат гуруҳлари беморларида ФП бўлиб, 36 (25,4%) ва 31 (16,6%) ни ташкил қилди, муваффақиятли медикаментоз кардиоверсия асосий гуруҳда 85,1% ҳолатда, назорат гуруҳида 100% ҳолатда бажарилди. Таъкидлаш жоизки, муваффақиятсиз кардиоверсия частотасининг ўсиши билан мазкур ҳолат катта ёшдаги беморларда мавжуд миокардда қайтарилмас жараён билан боғлиқ. Ташрихдан кейинги эрта даврда ягона асорат сифатида ФП нинг мавжудлиги даволаш натижаларига таъсир қилмади, бирор марта ҳам беморларни кардиал ва ҳар қандай бошқа сабабларда ўлимга олиб келмади.

Ташрихдан кейинги эрта даврда кузатилувчи частота бўйича иккинчи бўлган асорат қон препаратлари трансфузиясида эҳтиёж сезади, трансфузия ҳар доим ҳам қон йўқотишга сабаб бўлмайди. Демак, ташрихдан кейинги даврда асосий ва назорат гуруҳининг 30 (21,1%) ва 26 (13,9%) нафар беморлари трансфузион терапия талаб қилган, шу билан бирга дренаж бўйича ўртача қон йўқотиш гуруҳларда мос ҳолда  $635,5 \pm 178,04$  мл ва  $626,9 \pm 173,3$  мл ни ташкил қилган ( $p > 0,05$ ). Шошилинич рестернотомия талаб қилган дренаж бўйича ( соатига 300 мл дан ортиқроқ) қоннинг оммавий тушиши ҳар қайси гуруҳда бир ҳолатда ўз ўрнига эга бўлди, ҳар иккала ҳолатда такрорий ташрихда қон кетиш манбаи аниқланмади, аралашув плеврал бўшлиғи ва перикард бўшлиғи санацияси билан яқунланди.

Катта ёшдаги 15 (10,6%) беморда ва назорат гуруҳидаги 17 (9,1%) нафар беморда 24 соат мобайнида кардиотоникларга уланиши талаб қилинди ( $p < 0,05$ ). Маълумки, бу асорат ёш бўйича ташрих қилинган беморлар билан ассоциацияланмади. Кўпинча кардиотоникага талаб ёшидан қатъий назар ҳапқиришнинг дастлабки паст фракцияси кузатилган беморларда кузатилди.

Плеврал бўшлиқ дренажланган ёки пункция қилиш йўли билан енгил



ўзгарган гидроторакс асосий гуруҳда 9 (6,3%) ва назорат гуруҳида 5 (2,7%) нафар беморда аниқланди. Катта ёшдаги беморлар орасида гидроторакнинг ҳаддан ташқари юқори даражаси йўлдош патологиялар ва томирлар комплаенсининг пасайиши билан тушунтирилиши мумкин, бу эса кўпинча капилляр оқиши синдромига олиб келади.

**6-жадвал**

**Дастлабки ҳолатга таъсир қилмайдиган асоратларнинг таркиби, абс. (%)**

Асорталар*	≥65 лет, n=142	<65 лет, n=187
Бўлмачалар фибрилляцияси	36 (25,4)	31 (16,6)
Перикардит	7 (4,9)	9 (4,8)
Пункция талаб қилувчи гидроторакс	9 (6,3)	5 (2,7)
Қон кетиши	1 (0,7)	1 (0,5)
Кардиотоник кувватга эҳтиёж	15 (10,6)	17 (9,1)
Дори воситаларини трасфузиясига бўлган эҳтиёж	30 (21,1)	26 (13,9)
– қон йўқотиш, мл, М±σ	635,5±178,04	626,9±173,3
– эритроцитарлар қўйилган ҳажм, мл, М±σ	377,4±196,3	387,9±194,1
– соф музлатилган плазма ҳажми, мл, М±σ	531,0±231,7	588,9±256,6
Кўкрак кафаси фрагметларнинг турғунсизлиги	1 (0,7)	2 (1,1)
Яралинг инфекциси	1 (0,7)	1 (0,5)

\*- битта беморда бир нечта асоратлар бўлиши мумкин; барчаси  $p>0,05$ .

Ташриҳдан кейинги жароҳатларнинг йиринглаши ҳар қайси гуруҳда биттадан вазиятда кузатилди ва иккала ҳолатда ҳам консерватив усул ёрдамида жароҳат иккиламчи тортиш билан даволанди.

Барча беморларда ташриҳдан кейинги мониторинг ҳолатининг мажбурий усулларида бири сифатида эхокардиографияни қўлладик. Аниқланган ҳажм кўрсаткичларининг ўртача катталиги ва миокарднинг қисқариш қобилияти статистик ишончли характерга эга бўлмади, таъкидлаш жоизки, кекса ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагида бажарилган ташриҳ қон томир ҳажмида ўзгаришнинг умуман йўқлиги ва чиқиш фракциясининг пасайишга мойиллиги билан кузатилади, демак эрта ташриҳдан кейинги даврдаги юрак ҳапқариши асосий ва назорат гуруҳларида деярли фарқ қилмади (51,9±8,03 ва 50,8±8,8 51,2±7,3 ва 52,2±10,0 га қарши бўлди) ( 7-жадвал).

Бундай мойиллик кекса ёшдаги беморлар учун хос бўлган юрак мускуллари регидлигига эгаллиги билан тушунтирилиши мумкин, бу катта ёшдаги беморларда юрак қон томир тизими мослашувчан қобилиятининг

пасайишида намоён бўлади.

7-жадвал

**Операциягача ва операциядан кейин эхокардиографик кўрсаткичлар**

кўрсаткич	≥65 ёш, n=142		<65 ёш, n=187	
	операциягача	Операциядан кейин	операциягача	Операциядан кейин
ЧФ	51,9±8,03	50,8±8,8	51,2±7,3	52,2±10,0
ОДХ	147,2±51,2	146,1±34,3	146,9±41,2	144,2±41,1
ОСХ	73,5±43,04	72,1±26,4	72,6±31,3	71,6±30,8
ИХ	74,1±15,8	74,1±12,0	72,9±16,3	74,3±12,9
p	>0,05		>0,05	

Ташрихдан кейинги даврда беморлар функционал ҳолатини баҳолашнинг муҳим компоненти интенсив терапия бўлимида бўлиш давомийлигини баҳолаш ҳисобланади, бу эса умуман олганда тиббий дори воситалари билан даволашга эҳтиёжни кўрсатади. Ушбу параметрлар бўйича (интенсив терапия ва кардиожарроҳлик бўлимларида ташрихдан кейинги даволаниш давомийлиги), ҳар иккала қиёсланаётган ёш гуруҳлари ўртасида статистик ишонарли фарқ йўқлигини кўрсатади (8-жадвал).

8-жадвал.

**Шифохонанинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш муддати**

кўрсаткичлари	≥65 ёш, n=142	<65 ёш, n=187
РИТБ	1,18±0,5	1,06±0,35
Шифохонада	9,3±4,02	8,9±2,3

Шундай қилиб, ўлимга олиб келадиган ва ўлимга олиб келмайдиган асоратлар, ўлим кўрсаткичи, юракнинг қисқариш қобилияти ва ҳажмининг статистик ишонарли динамикасининг мавжуд эмаслиги, жарроҳлик аралашувлари ўтказилганидан кейин стационар даволаниш ҳамда ЖИТБда беморларнинг бўлиш муддатларида статистик ишончли фарқ кузатилмагани ёшлар сингари катта ёшдаги беморларнинг ишлаб турган юрагида АКШ ўтказишда асоратлар ва ўлим даражасининг ишонарли пастлиги билан барча коронар ҳавзалар шикастланишининг ўзига хос реваскуляризациясини таъминлаш имконини бериши ҳақида маълумот беради.

